# СУЯНЧИ

*Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг Ватан ҳимоячилари кунини муносиб кутиб олишга ҳаракат қилаётганлари ҳақида сўраб-суриштирганимизда, биринчилардан бўлиб олис Бешариқ тумани бўлими тилга олинди.*

## Доимо шай

— Ташкилотимизнинг туман бўлимида, айниқса, ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, коллеж, лицей талабаларига техник билимлар бериш жуда яхши йўлга қўйилган, — дейди вилоят «Ватанпарвар» ташкилоти масъул ходими Қаҳрамон Собиров. — Ёшлар ўртасида спортнинг ҳарбий-амалий турларини ривожлантириш, оммалаштириш мақсадида ташкилот қошида спортнинг беш тури бўйича мунтазам фаолият кўрсатадиган тўгараклар ташкил этилган.

Ёшларни Ватан мудофаасига тайёрлашда спортнинг нақадар муҳим аҳамиятга эга эканлигини бу тўгарак иштирокчилари эришган натижалар яққол кўрсатди. Спорт биринчидан ёшларни чиниқтирса, тобласа, иккинчидан уларнинг бўш вақтлари бекор ўтмаслигини таъминлайди.

Доимий ҳаракатдаги тўгаракнинг бокс секцияси қатнашчилари эришаётган ютуқлар қисқа вақт ичида нафақат туманга, балки вилоят, водийга ҳам овоза бўлди. Ҳозирги кунда нуфузли турнирларда ғолиб чиққан бешариқлик ёш боксчилар Зуҳриддин Ҳамроқулов, Хуршид Мақсудов, Аҳад Комиловлар номи эътиборли мураббийлар назарига тушди. Яқин вақт ичида Бешариқ бокс мактабининг бу умидли вакиллари мамлакат, халқаро турнирларда шоҳсупанинг юқори поғоналарига кўтарилишса, ажаб эмас.

Ватан ҳимоясига доимо шай туришни асосий шиор қилиб олган юрт ҳимоячилари ҳарбий кўпкураш, картинг мусобақалари, автомобиль, мотоцикл пойгалари бўйича ўтказилган турнирларда ҳам яхши натижаларга эришдилар. Улар қўлга киритган совринлар, кубоклар ташкилот музейининг энг кўзга кўринарли жойларидан ўрин олган.

Юрт ҳимоячиларини тайёрлаш халқ хўжалиги учун техник мутахассислар тайёрлаш билан бирга олиб борилаяпти. Фақат ўтган йилнинг ўзида 300 га яқин ёш турли тоифадаги ҳайдовчилик гувоҳномалари эгаси бўлган бўлса, 800 нафар ҳайдовчи янги йўл қоидаси бўйича қайта тайёрловдан ўтказилди. Уларнинг асосий қисмини ҳарбий хизмат ёшидаги ўсмирлар, йигитлар ташкил этади. Ёшларни юрт корига доимо шай қилиб тарбиялашда соҳада узоқ йиллардан бери хизмат қилиб келаётган Х.Сатторов, Р.Бобораҳимов, Р.Эркабоевлар ибрат кўрсатаяпти.

Яқинда туманда болалар спортини қўллаб-қувватлашга бағишланган тадбир ўтказилди. Анжуманда ташкилот спортчилари, техник-ходимлари ҳам ўз маҳоратларини кўрсатишди. Шу тантаналарда ташкилотга Бешариқ шаҳрида автошаҳарча учун майдон ажратилгани овоза бўлди. Бу, мустақиллик нафақат ҳуқуқ, балки кучли армия эканлигини ҳис этган Ватан ҳимоячилари тайёрлашга хизмат қилиши, шубҳасиз.

**Набижон СОБИР,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Ватан ҳимояси — олий бурч

*Ватан ҳимоячилари байрами арафасида Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ҳарбий қисмларидан бирида бўлдик. Ҳарбий қисмнинг назорат ўтиш жойидан ичкарига кирар эканмиз, қисм командирининг шахсий таркиб билан ишлаш бўйича ўринбосари ташриф буюрган бир гуруҳ ота-оналарни уларнинг йигитлик бурчини ўтаётган фарзандлари учун яратилган шароитлар билан таништираётганлигига гувоҳ бўлдик. Ҳол-аҳвол сўрашгач, офицернинг ижозати билан меҳмонларни суҳбатга тортдик:*

— **Мен Бухоро шаҳридан набирамни кўргани келувдим,** — деди Ёқуб ота Шарипов ёнида турган оддий аскар Азизбек Қирғизбоевни меҳр билан бағрига босиб. — **Биласизми, ҳозир бу ерда ётоқхона, ошхона, спорт майдони ва аскарлар маданий ҳордиқ чиқариши учун яратилган барча қулайликлар билан танишиб, жуда хурсанд бўлдим. Аскарлар ётоқхонасидаги саранжомлик, улар истеъмол қилаётган овқатлар уй шароитида тайёрлангандек хушта
ъмлиги ҳар бир ота-она кўнглини хотиржам қилади.**

— **Аскарларнинг уст-боши бут, озодалиги, уларнинг сафда юриш усулларини бежирим бажариши киши кўзини қувнатади,** — суҳбатимизга қўшилди Фарғона вилоятидан жиянини кўргани келган Рустамжон Мамажонов отанинг гапини маъқуллаб. — **Жияним — оддий аскар Шерзод Неъматжоновни кўргани келганимга икки кун бўлди. Шу вақт ичида амин бўлдимки, барча аскарлар бир-бирига дўстона муносабатда. Аскарларнинг тартиб-интизомга қатъий риоя этиши, ўзаро самимийлиги ҳар қандай оғир вазиятни енгиб ўтишда муҳим омил бўла олади. Бу Ватанимиз осойишталигини авайлаш учун қудратли армияни шакллантиришда энг муҳим жиҳатлардан бири, деб ўйлайман.**

Шундан сўнг қисмни айланиб чиқиб, меҳмонларнинг берган холис баҳоларига яна бир бор амин бўлдик. Қисмга ташриф буюрган ота-оналарни посбонлар ҳаёти билан яқиндан таништириш одатий ҳол экан.

Ҳарбий жамоада шахсий таркибнинг жисмоний чиниқиши, ҳарб илмини пухта ўзлаштириш, ижтимоий-сиёсий машғулотларда фаол қатнашлари ҳам намунали даражада. Аскарлар турли қуроллардан самарали фойдаланиш, жанговар тайёргарлик, Ватанимиз тарихи, жамиятимиздаги ўзгариш ва ислоҳотлар ҳақида устоз-командирлардан сабоқ олмоқда. Назарий билимлар натижаси ўлароқ, майор Ф. Орипов командирлик қилаётган ушбу ҳарбий жамоа аъзолари ўтган йил ўқув машғулотларини муваффақиятли якунлади. Айни пайтда қишки мавсум ўқув машғулотлари байрам шукуҳи ила қизғин бормоқда.

Қисм зиммасига халқаро аэропорт мақомига эга бўлган пойтахтимиз аэропорти ҳудудида хавфсизликни таъминлашдек масъулиятли вазифа юклатилган. Шу ўринда ҳарбий жамоанинг кичик сержантлар Муҳаммад Қутбиддинов, Жамшид Абдураимов, оддий аскарлар Ғофур Иброҳимов, Нодир Муҳаммадиев каби қатор посбонлари ўз бурчларини аъло даражада бажариб келаётганликларини айтиб ўтиш лозим.

— **Бизнинг хизматимиз туну кун сергакликни, жанговар шайликни талаб этади,** — деди оддий аскар Н. Муҳаммадиев биз билан суҳбатда. — **Негаки, аэропорт мамлакатимиз барқарорлиги, равнақи йўлида хизмат қиладиган муҳим иншоотлардан бири ҳисобланади.**

Қисм посбонлари билан суҳбатда бўлган киши, уларнинг она-Ватанга муҳаббати беқиёс, бурчига садоқатли, юртнинг асл ўғлонлари эканлигини ҳис этади. Ёвуз кучларга кўкси қалқон, лафзи ҳалол аскаримиз томирида Ватан осойишталиги, шаънини ҳимоя қилишда жон фидо қилган ота-боболаримиз қони жўш урмоқда.

Биз Ватан ҳимоячилари куни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 11 йиллиги муносабати билан барча аскар, ҳарбийларни чин қалбдан муборакбод этиб, йигитлик бурчини ўтаётган ёшларимиз ўзларига билдирилган буюк ишончни оқлаб , улуғ аждодларимиз хотираси, юртимизнинг бугуни ва келажагига муносиб ворис бўлишларини тилаймиз.

**А. ҲАСАНОВ.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

## АГРАР СОҲА РАҲБАРЛАРИ ЎҚУВИ

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида Юртбошимиз Ислом Каримов раҳбарлигида изчиллик билан амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар самараси ўлароқ, қишлоқда туб ўзгаришлар юз беришига эришиляпти. Ҳосилдорлик ўсиб, деҳқонда ерга, мулкка, етиштирган маҳсулотига эгалик ҳисси ортмоқда. Хўжалик юритишнинг мақбул усул ва иқтисодий механизмлари қатъият билан жорий этилаётир.

Аграр соҳада изчил амалга оширилаётган ислоҳотлар туфайли бу йил мамлакатимиз тарихида энг кўп — беш ярим миллион тоннага яқин ғалла етиштирилди. Дастлабки натижаларга кўра, хўжаликларнинг 75 фоизи қарийб 45 миллиард сўм фойда олиши, пайчиларга эса 7,8 миллиард сўм дивиденд берилиши кутилмоқда. Бу — олдинги йилга нисбатан икки баробар кўп демакдир.

Пахтачиликда юзага келган ўзига хос муаммоларга қарамай, юқори сифатли "оқ олтин" хирмони уюшга эришилди. 3 миллион 159 минг тонна пахта тайёрланди.

Шу билан бирга кўпгина вилоят ва туманларда мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланилмади. Таҳлилларнинг кўрсатишича, айрим туман ва хўжалик раҳбарларида иқтисодий ислоҳотларнинг туб моҳиятини етарлича англамаслик, соҳани ривожлантиришга оид қонун ва меъёрий ҳужжатларни амалиётга татбиқ этишда камчиликларга йўл қўйиш, фермер хўжаликлари ташкил этишда тегишли билим ва тажриба етишмаслиги сезилмоқда.

Семинар давомида қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш борасида йўл қўйилаётган хато ва камчиликлар, муаммолар ҳамда уларнинг ечими юзасидан батафсил фикр-мулоҳаза юритилади.

Семинарнинг биринчи кунида мамлакатимизда икки палатали парламент тизими жорий этилишининг аҳамияти, иқтисодиётни замон талабларига мослаштириш, жамиятни маънавий юксалтириш, барча соҳаларни эркинлаштириш, ҳозирги босқичда маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ўртасидаги муносабатлар, диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувлик ҳамда хавфсизликни таъминлашни мустаҳкамлаш билан боғлиқ мавзуларда маърузалар тингланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси Э.Халилов, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари В.Голышев, З.Ҳусниддинов, Бош вазир ўринбосари Э.Ғаниев ва бошқалар маъруза қилди.

Семинарнинг очилишида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т.Худайбергенов, Бош вазир ўринбосари Н.Юсупов иштирок этди.

**Олим НОРБЕКОВ,**
**ЎзА мухбири.**

## Ҳамкорликни ривожлантириш учун грант

Осиё тараққиёт банки /ОТБ/ "Ипак йўли" кенгайтирилган ташаббусини амалга ошириш учун 950 минг АҚШ доллари миқдоридаги грант шаклидаги техник ёрдамни маъқуллади.

Мазкур грант иқтисодий ҳамкорлик орқали Марказий Осиё мамлакатлари иқтисодий ўсиши ва ҳаёт даражасини оширишга кўмаклашишга қаратилган. Бу дастур доирасида асосий эътибор транспорт, энергетика ва савдони ривожлантиришга йўналтирилади. Уни амалга ошириш учун асосий минтақавий лойиҳалар тайёрланади ва ҳамкорлик имкониятлари тадқиқ этилади.

Шунингдек, у ОТБ ва лойиҳада иштирок этаётган мамлакатлар ўртасидаги шерикликни мустаҳкамлашга ҳисса қўшиши ҳам мумкин.

Бу лойиҳа Озарбойжон, Хитой, Қозоғистон, Қирғизистон, Мўғулистон, Тожикистон ва Ўзбекистонни қамраб олади. Бу мамлакатлар Марказий Осиё минтақавий иқтисодий ҳамкорлигида /МОМИҲ/ қатнашмоқда.

Маълумки, Марказий Осиё мамлакатлари яқин тарихий, этник ва иқтисодий алоқаларга эга. Бу омилларни инобатга олиб лойиҳага Афғонистон ҳам қўшилди. Унинг воситасида Жанубий Осиё билан,айниқса транспорт ва энергетика соҳаларида ҳамкорликни кенгайтириш имконияти пайдо бўлади.

Тадқиқотлар Марказий Осиё республикалари билан Мўғулистон, Синцзян Уйғур автоном огруги ва Хитой ўртасидаги ҳамкорлик имкониятларини аниқлаш мақсадида ҳам ўтказилади.

1997 йилдан буён /МОМИҲ/ ташаббус тўрт мамлакатдан еттитагача кенгайди, бугунги кунда Афғонистондаги воқеалар билан бир қаторда янги тарихий имконият юзага келмоқда, яъни географик миқёсда ҳамкорликни кенгайтиришнинг аниқ услубларини ишлаб чиқиш мумкин.

Зеро, Афғонистон Марказий Осиё республикалари табиий ресурсларини Жанубий Осиёга экспорт қилиш йўналишини таъминлаши мумкин. Айни пайтда бу республикалар ўз навбатида Афғонистонни тиклаш ва ривожлантириш ишига катта ёрдам кўрсата олади.

**Жамшид РАУПОВ,**
**ЎзА мухбири.**

## Таъсис конференцияси

(Давоми. Боши 1-бетда).

**қолаётганлиги истеъмолчиларнинг жиддий эътирозларига сабаб бўлмоқда. Шундай экан, бу каби салбий холатларнинг олдини олишда жамоатчилик назоратининг ўрни жуда катта.**

**Таъбир жоиз бўлса, Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 28 ноябрдаги «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорини ана шу мақсадда қабул қилинган муҳим ҳужжат деб аташ мумкин.**

**Яқинда Тошкент вилояти ҳокимлигида бўлиб ўтган Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари вилоят ҳудудий бирлашмасининг таъсис конференцияси мазкур қарорнинг ижросига бағишланди.**

**Анжуманда сўзга чиққанлар ушбу қарорнинг вилоятдаги ижроси хусусида сўз юритиб, аҳолининг мурожаатларини биринчи навбатда кўриб чиқиш, жамиятнинг таянч пунктларини барча қишлоқ ва маҳаллаларда ҳам ташкил этиш ҳамда уларни ўқув курсларига кенгроқ жалб этиш борасида ўзларининг фикр-мулоҳазаларини билдиришди.**

**Шунингдек, унда Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятининг Тошкент вилояти ҳудудий бирлашмаси Низомига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш, анжуман қарори лойиҳасини тасдиқлаш, конференцияга делегатлар ва вилоят ҳудудий бирлашмасининг раиси ҳамда унинг ўринбосарларини сайлашга оид бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.**

**Камолбек Шодиметов жамиятнинг Тошкент вилояти ҳудудий бирлашмасининг раиси этиб сайланди.**

**Б. ОСТОНАҚУЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**Навоий**

**Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоялашда жамоатчиликнинг иштироки кўп нарсаларни ҳал этади. Аввало, ички истеъмол бозорида сифати паст, одамлар ҳаёти ва соғлигига хавф туғдирувчи товарларнинг сотилишининг олди олинади. Аҳолининг ҳуқуқий ва истеъмол маданиятини ошириш тезлашади. Айниқса, бунда истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятларининг ўрни беқиёс.**

**Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 28 ноябрдаги «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида Навоий вилоятида ҳам шундай жамият тузилди. Таъсис конференциясида ана шу ҳақда сўз борди. Жамият бошқаруви раиси, аъзолари сайланиб, келгусидаги режалар белгиланиб олинди. Галдаги вазифа уларни тўла-тўкис ҳаётга татбиқ этиш, қарорнинг ижросини таъминлашдан иборатдир.**

**Абдуваҳоб ПИРМАТОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Янгиликлар, воқеалар, далиллар



### Нефть ишлаб чиқариш кўпаяди

***Нефть экспорт қилувчи давлатлар ташкилоти (ОПЕК)га аъзо мамлакатлар нефть ва энергетика вазирларининг норасмий учрашувида шу йилнинг 1 февралидан бошлаб «қора олтин»ни қазиб олиш ва экспорт қилиш квотасини яна 1,5 миллион баррелга кўпайтиришга келишиб олинди.***

***«РИА «Новости» агентлигининг маълум қилишича, бундан буён кунлик экспорт ҳажми 24,5 миллион баррелга етади.***

***Ушбу қарор ҳақида ОПЕК конференцияси президенти, Катар энергетика индустрия вазири Абдулла бен Ҳамад ал Аттийя маълумот берган.***

***Хабарларга кўра, нефтнинг нархи картель томонидан ишлаб чиқилган ҳужжатга мувофиқлигича, яъни 22-28 АҚШ доллари атрофида қолади.***

### Қирол чақириғи

***Иордания қироли Абдуллоҳ Ироқдаги уруш минтақада салбий ҳолатга олиб келишини таъкидлаб, Саддам Ҳусайнни БМТ инспекторлари билан фаол ҳамкорлик қилишга чақирди.***

***Қирол Иордания ахборот агентлигига берган интервьюсида уруш бошланса, у катта муаммолар туғдиришини, унинг асоратлари эса нафақат Ироққа, балки бутун минтақага салбий таъсир кўрсатишини қайд этган. Абдуллоҳ ҳарбий операциялар бошланишига йўл қўймаслик учун Бағдодни халқаро инспекторлар билан фаол ҳамкорлик қилишга чақирган.***

### Пхеньян огоҳлантирмоқда

***Расмий Пхеньян АҚШ ва унинг тарафдорларини, «КХДРга яна босим ўтказса ва ушбу давлатга нисбатан санкциялар киритса» «янада қатъий чоралар» кўриши ҳақида огоҳлантирган. Бу ҳақда Корея Ишчи партияси МК органи, «Нодон синмун» газетаси хабар тарқатди.***



***«Newsru»нинг хабарларига кўра, бундан бирмунча аввал Пхеньян баллистик ракеталар синовини ўтказиш мораториясидан воз кечиши мумкинлигини таъкидлаган. Бунгача эса Шимолий Корея Ядро қуролларини тарқатмаслик бўйича шартномадан чиқишини эълон қилган эди.***

### Учинчи томоннинг аралашуви лозим

***Фаластин Мухториятида вазир лавозимида фаолият юритаётган Саиб Эрикат жаҳон ҳамжамиятини Фаластин-Исроил можаросига аралашишга чақирди. Унинг фикрича, вужудга келган вазиятни ҳал қилишнинг ягона йўли шу, деб хабар беради «Financial Times» газетаси.***

***Шунингдек, Эрикатнинг фикрича, зиддият шундай босқичга етганки, унда икки томон ҳам бирон бир келишувга эришолмайди, шунинг учун ҳам учинчи томоннинг аралашуви лозим.***

### Узоқ танаффусдан сўнг...

***Американлик шифокорлар узоқ танаффусдан сўнг сунъий юрак билан ишлаш амалиётларини яна бошлашди. Улар ўтган ҳафтада бутунлай автоном тарзда ишлайдиган сунъий юракни беморга ўрнатишди. Бу ушбу йўналишдаги саккизинчи тажрибадир.***

***«Медновости.ру»нинг маълумотига кўра, айни пайтда сунъий юрак қўйилган беморлардан фақат Том Кристерсон исмли киши ҳаёт. Унга 2001 йилнинг сентябрь ойида шундай юрак қўйилган эди. Ушбу натижа шифокор-олимлар томонидан юқори баҳоланмоқда. Чунки сунъий юрак қўйиш учун бир ой атрофида яшайди, деб ҳисобланган беморлар танлаб олинганди.***

### Тўрт киши айбланмоқда

***Лондон полицияси томонидан террорчилик ва кимёвий қурол ишлаб чиқаришда айбланаётган жангарилар Панкис тоғ дарасидаги «террорчилар академия»си билан боғлиқ деб таъкидлайди «The Sunday Times» газетаси.***




***Унда айтилишича, Афғонистондан қочган «Ал-Қоида» террорчилари Панкисда махсус лагерь ташкил қилишган. Буюк Британия ва Францияда яқинда ҳибсга олинганлар ўша ерда заҳарли моддалар тайёрлаш бўйича махсус тайёргарликдан ўтишган.***

***«Newsru»нинг маълумотига қараганда, Лондон полицияси ҳозир террорчилик ва кимёвий қурол ишлаб чиқаришда 4 кишини айбламоқда. Улар Британия пойтахтидаги квартиралардан бирида қўлга олинган. Полиция у ерда рицин заҳарининг излари ва ишлаб чиқарилаётгани тўғрисида далиллар топган.***

## Қишлов намунали ўтади

*Томди туманидаги Балимонов номли ширкат хўжалиги чўпон-чўлиқлари қиш мавсумини намунали ўтказиш мақсадида режа асосида барча юмушларни бажаришмоқда. Улар отардаги мавжуд 33884 бош қўй-қўзи ва 659 бош туяни яхши парваришлаш, етарлича озуқа билан таъминлашга ҳаракат қилишмоқда. Тажрибали чўпонлар ўз отаридаги қўй-қўзиларни янада кўпайтиришга алоҳида эътибор қаратмоқдалар.*





**СУРАТЛАРДА:** чўпон Жанабой Нуржонов; яйловда.

**Собир ЗУФАРОВ (ЎзА) олган суратлар.**

## Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2003 йил 14 январдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*/*

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 54,49 | 1 Миср фунти | 209,64 | 1 Польша злотийси | 250,86 | 10 Жанубий Корея вони | 8,14 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 1549,59 | 1 Исландия кронаси | 11,90 | 1 СДР | 1298,69 | 10 Япония иенаси | 80,73 |
| 1 Дания кронаси | 135,95 | 1 Канада доллари | 615,48 | 1000 Туркия лираси | 0,58 | 1 Россия рубли | 30,11 |
| 1 БАА дирхами | 261,42 | 1 Хитой юани | 116,01 | 1 Швейцария франки | 693,25 | 1 Украина гривнаси | 180,06 |
| 1 АҚШ доллари | 960,15 | 1 Малайзия ринггити | 252,70 | 1 ЕВРО | 1009,31 | | |

**/ Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

**Қилмиш-қидирмиш**

## ПИХИНИ ЁРГАНЛАР

Ато ака дастлаб амалга оширишни кўзлаб юрган ишини ҳеч кимга айтгиси келмас,мабодо иши юришмаса, дўстларим орасида юзим шувут бўлиб қолади деган гумон тадбиркорликни бошлашга йўл бермасди. Аммо кейинги йилларда иқтисодиётдаги ўзгаришлар, ютуқлар, айниқса кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш ҳамда уни ривожлантириш соҳасида юртимизда олиб борилаётган ислоҳотлар у кишининг ҳам неча йиллардан буён амалга оширишни кўзлаб, юрагида сақлаб юрган ниятларининг ушалишига туртки бўлди. "Уйчининг ўйи битгунча, таваккалчининг иши битади" деганларидек ишга киришди. Дастлаб ўғилларини йиғиб, кўнглидаги муддаосини айтди. Улар билан фикрини бир жойга қўйиб, керакли идораларга учрашишди. Зарурий ҳужжатларни тўплади, тегишли тартибда рўйхатдан ўтди.

Барча югур-югурлар ортда қолди. Ниҳоят, Навоий шаҳар ҳокимининг 2000 йил 22 июндаги қарорига асосан ўзининг таъсислигида катта ўғли Омоннинг номига "Зарбдор" савдо ишлаб чиқариш савдо фирмасини очиб, рўйхатдан ўтказди. Шаҳар ҳокимлигидан алкоголли ичимликлар сотиш ҳуқуқини берувчи лицензияга ҳам эга бўлгач, Навоий шаҳар М.Улуғбек кўчасида жойлашган 22-уй ёнидаги савдо дўконида фаолият кўрсата бошлади. Қараса иш юришиб кетяпти. Шуни ҳисобга олган ота ўзининг таъсис қарорига асосланиб, 10 минг сўм миқдоридаги низом жамғармаси асосида иккинчи, яъни "Имконият-2000" ишлаб чиқариш савдо фирмасини ташкил этди. Унга эса иккинчи ўғли Азамат Искандаровни раҳбар этиб тайинлади.

Барча ташкилий тадбирларни амалга ошириб, бу икки фирманинг фаолиятини қонуний йўлга қўйган отанинг кўнгли бироз тинчиди. Ахир болалари ёнига қўшилиб, отасига ёрдам бериб турибди-ку. Бунинг устига рўзғор ташвишларидан тўрт-беш сўм orттириб оила, тўй-маъракалар учун бироз пул ҳам жамғаришмоқда.

Отанинг умри қисқа экан, 2001 йилнинг ноябрь ойида юрак хуружидан дунёдан ўтди. Фирма фаолиятини юргизиш ака-уканинг ўзларига қолди. Қолди-ю бу ёғи расво бўлди.

Савдодан қолаётган фойда ёмон эмасди. Лекин бу даромадлар ака-уканинг эҳтиёжини қондиролмади. Ўйлаб кўришса, фойданинг маълум бир қисми солиқ ва бошқа тўловларга кетмоқда. Нима қилиш кераклигини ака-укалар обдон ўйлашди. Шунда мияларига бир фикр урилди.

Иккаласи ҳам фирма омборларига қарашса маҳсулот кўп. Зукколар уни сотиш йўлларини топишди. Тўғрироғи дўконнинг эмас, омборнинг эшигини очишди. Омбор билан дўкон бир бино эмасми, икки тарафдаги эшикларнинг очилиши натижасида бинода елвизак шамоли пайдо бўлди. Сўнг у "оптом" тарзда ароқларни учириб чиқара бошлади. Бундан қувонган ака-укалар тушумларни санашдан сира ҳам эринишмади.

... Кунларнинг бирида осмондан тушдими, ердан чиқдими, Азаматнинг олдида икки киши пайдо бўлди. "Биз солиқ идорасиданмиз, фирманинг солиқ қонунчилигига риоя қилиниши аҳволини ўргангани келдик, мана буйруқ, бизга керакли ҳужжатларни беринг" деса бўладими? Фирма раҳбари ҳужжатларни тақдим этгач, солиқчилар тезда ҳужжатлар орасига шўнғиб кетишди... Нари ёқда акаси Омоннинг фирмаси ҳам текширилаётганди.

Хуллас, солиқ инспекцияси ҳамда вилоят прокуратураси ҳузуридаги Солиққа оид жиноятларга қарши курашиш бошқармаси ходимлари иккала фирманинг "у ёғидан кириб, бу ёғидан чиқишди". Ғалвир сувдан кўтарилгач, ака-укаларнинг сири ошкор бўлди.

Аниқланишича, Омон Искандаров фаолияти давомида қатор қонунбузилишларга қўл урган. Фирмага 2000 йилда кирим қилинган спиртли ичимликлардан 79 млн. 213,4 минг сўмлигини, 2001 йилда 551,3 минг сўмлигини, 2002 йилнинг биринчи чорагида эса кирим қилинган спиртли ичимликлардан 130 минг сўмлигини савдо дўконлари орқали эмас, фирма омборхонасидан сотиб юборган. Хуллас 100 млн. 894,7 минг сўмлик спиртли ичимликларни сотишдан тушган пулни назорат касса машинасиз, банкка топширилмасдан товарлар савдоси ёки хизмат кўрсатиш қоидалари бузилган.

Азамат Искандаров ҳам шу тариқа иш юритиб спиртли ичимликларни сотишдан тушган 83 млн. 517 минг сўмни назорат касса машинасига урмаган, банкка топширмаган.

Ушбу жиноий иш Навоий шаҳари судида кўриб чиқилди.

Судланувчилар Жиноят кодексининг 189-моддаси 3-қисми билан айбдор деб топилиб, ҳар бирига энг кам ойлик иш ҳақининг уч юз баравари миқдорида яъни, 1 млн 290 минг сўмдан жарима жазоси қўлланилди.

Сўнгги сўз ўрнида шуни айтмоқчимизки, юқоридаги каби сохта тадбиркорлар ўзларининг ноқонуний фаолиятини минг карра беркитиб давом эттирмасин, эртами-кечми барибир улар қонун олдида жавоб берадилар. Чунки қонун ҳамма учун баробар. Қонунбузарга эса жазо муқаррар.

**Юсупбек ДЎСМЕТОВ,**
**Азамат ЭРГАШЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиққа ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш департаментининг масъул ходимлари.**

*Самарқанднинг ўтмиши шарафли кечган. Бугуни эса кўз ўнгимизда яшнаб бораяпти. Регистон ансамбли — Улуғбек, Тиллакори, Шердор мадрасалари маҳобати, меъморий услубидан ҳайратланмасликнинг иложи йўқ. Асрлар билан сўйлашган бу осори-атиқалар қаршисида хорижлик сайёҳларнинг лол қолиб, узоқ-узоқ хаёлга чўмганига гувоҳ бўлганмиз. Ёки Гўри Амир мақбараси, Бибихоним масжиди, Шоҳизинда ёдгорлик мажмуасини ҳаяжонсиз зиёрат қилиш мумкинми! Улуғбек обсерваториясида бўлган сайёҳ эса ҳатто самодаги юлдузлар ҳам Самарқанд билан боғлиқ, деган хулосага бориши тайин.*

*Хартанг қишлоғида Мустақиллик йилларида барпо этилган ҳадис илмининг султони Имом ал-Бухорий ёдгорлик мажмуаси, кўҳна Регистоннинг кунчиқаридаги Имом ал-Мотурудий зиёратгоҳи ҳам Самарқанднинг шуҳратига-шуҳрат қўшди. Бугун айнан ана шу қадамжолар зиёрати учун хориждан келаётганлар қанчадан-қанча.*




# Самарқанд — сайёҳлар шаҳри

Муболағасиз айтиш мумкинки, Самарқанднинг бирор-бир кунини меҳмонларсиз, айниқса, хорижлик сайёҳларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Шаҳарда эса туризм ва туристик бизнесни ривожлантириш учун имкониятлар беқиёс. Фақат ҳамма гап ана шу имкониятлардан тўғри фойдалана олишда.

— Шу йилнинг тўққиз ойида сайёҳларга 2 миллиард 368 миллион сўмликдан ортиқ хизмат кўрсатилди, 81,5 миллион сўмга яқин даромад қилдик, — дейди «Ўзбектуризм» миллий компанияси Самарқанд минтақавий бўлимининг бошқарувчиси Бахтиёр Азизов. — Лекин бу кўрсаткич етти иқлимга донғи кетган Самарқанддек маскан учун қониқарли эмас. Чунки, ер юзида Самарқанд каби очиқ осмон остидаги музей-шаҳарлар бармоқ билан санарли. Ачинарлиси, хорижлик сайёҳларнинг келиши ўтган йилнинг шу даврига нисбатан камайиб кетди. Бунинг биринчи сабаби, албатта, қўшни Афғонистон воқеалари билан боғлиқ.

Қўшни Афғонистондаги нотинчликлар мамлакатимизга туристлар ташрифига халал бергани аниқ. Айнан хорижликлар юртимизга саёҳат қилишга бироз иккиланиб турган пайтларда Миллий компаниянинг минтақавий бўлимидагилар мамлакатимизнинг турли вилоятлари ва шаҳарларидан Самарқандга сайёҳларни жалб этишга ҳаракат қилишди. Бу борада мақсадга эришилди ҳам. Тўққиз ой мобайнида Фарғона водийсию Қорақалпоғистондан, Бухоро, Қашқадарё, Сурхондарё сингари вилоятлардан 50 мингдан ортиқ сайёҳлар Самарқандни келиб кўрди.

Хўш, уларга кўрсатилаётган хизмат савияси қай даражада?

«Ўзбектуризм» миллий компаниясининг Самарқанд минтақавий бўлими мулкчиликнинг турли кўринишидаги 70 та туристик ташкилотни бирлаштириб турибди. 30 та меҳмонхона ва миллий уй-меҳмонхоналарда бир вақтнинг ўзида 2500 нафар сайёҳга хизмат кўрсатиш имконияти мавжуд. Ўзбекистон Республикасининг «Туризм тўғрисида»ги Қонуни асосида 27 та ташкилотга туристик хизмат кўрсатиш сертификати берилди.

Лекин бу ҳали сайёҳларга хизмат кўрсатиш борасида мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланилаяпти, дегани эмас. Аввало, йўлларнинг асосий қисми Европа андозаларига жавоб бермайди. Шаҳар транспортини янгилаш ҳақида қайғуриш ҳам туризм ривожида муҳим аҳамиятга эга.

Миллий компания минтақавий бўлимининг раҳбари муаммолар ҳақида яна шундай фикрлар билдирди:

— Айни пайтда Самарқанд шаҳрини ободонлаштириш борасида катта ҳажмдаги ишлар қилинаяпти. Кўчалар, майдонлар, маҳаллалардаги ўзгаришлардан дил қувнайди. Аммо тунда шаҳар кўчаларини ёритиш ва рекламаларни жойлаштириш борасидаги муаммолар анчагина. «Тошкент», «8 Март», «Мустақиллик» кўчаларида саёҳат учун янги туристик йўналиш йўлга қўйилса, хорижликларнинг Самарқанд билан яқиндан танишишларига имконият яратиларди. Бундан ташқари, «Буюк Ипак йўли»нинг Самарқанд-Бухоро-Хива йўналишида шароитлар етарли эмас. Талабга жавоб берарли автокемпинглар кам. Саёҳат йўналишини ифодаловчи рекламалар ҳам ниҳоятда зарур.

Ҳа, муаммолар кўп. Уларнинг ечимини топиш ва ҳал этишга қаратилган амалий ҳаракатлар ҳам анчагина. Жумладан, ўтган йили вилоят ҳокимлиги «Музей ва тарихий ёдгорликларга ташриф буюрувчиларга хизмат кўрсатиш маданиятини яхшилаш тўғрисида», «Вилоятда чет эллик сайёҳларни қабул қилиш хизматини такомиллаштириш ва уларнинг хавфсизлиги чораларини янада кучайтириш тўғрисида» қарорлар қабул қилди. Давлат музей-қўриқхонаси қошида сайёҳлик бюроси ва экскурсоводлар, таржимонларга амалий ёрдам кўрсатувчи илмий-амалий марказ тузилди. Чунки бу соҳада фаолият кўрсатаётганларнинг аксарияти юртимиз тарихи, обидалари ва уларнинг яратувчилари ҳақида мукаммал билимга эга эмас эдилар. Бунинг оқибатида кўп ҳолларда хорижлик сайёҳлар қизиқишлари тўлиқ қондирилмасдан қоларди. Эндиликда эса фақат мазкур марказнинг махсус сертификатига эга бўлган экскурсовод ва таржимонларгина вилоят музейлари, тарихий ва маданий ёдгорликларида саёҳат ўтказиш ҳуқуқига эга бўлишади.

Хизмат савиясини янада яхшилашга қаратилган ҳаракатлардан яна бири республикадаги туризмга дахлдор олий ва ўрта махсус таълим ўқув юртлари билан ҳамкорликнинг йўлга қўйилганидир. Ўтган йилнинг апрель-июнь ойларида Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, Самарқанддаги туризм коллежи талабаларидан 60 нафари «Ўзбектуризм» миллий компанияси Самарқанд минтақавий бўлимининг туристик базасида амалий машғулотларни ўтади. Орадан икки ой ўтиб, яъни сентябрь ойида Тошкентда ўтказилган Халқаро туристик ярмарка кунларида ва МДҲ давлатлари билан Бухорода ташкил этилган анжуманда 2003 йилда туризмни ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди, сайёҳларни қабул қилиш бўйича шартномалар имзоланди.

Хуллас, Самарқанд туризмида эришилаётган ютуқлар билан бир қаторда муаммолар ҳам анчагина. Самарқанднинг республикамиздаги асосий туризм марказларидан бири саналиши, унинг кўплаб тарихий ва маданий ёдгорликлари ЮНЕСКО тасарруфида эканлиги ҳам кўҳна шаҳарда бу тизимнинг ривожланишида катта имкониятлар мавжудлигини исботлайди.

**Абдурасул САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Спорт

## Шуҳратнинг издошлари

Марҳум футболчи Шуҳрат Эшбўтаевни навоийликлар тез-тез эслаб туришади. У «Пахтакор»чилар сафида авиаҳалокатга учраганида эндигина 20 ёшга тўлган эди.

Ҳозир футболчи яшаган кўча унинг номи билан аталади. Шунингдек, «Шуҳрат» футбол клубини билмайдиганлар камдан-кам. Унинг укаси Ихтиёр Эшбўтаев бир неча йил «Зарафшон» жамоасида тўп сурди. Ҳусниддин шу жамоада тоғаси эришган ютуқларни қўлга киритиш ниятида маҳоратини оширмоқда. Ака-ука Санжар билан Артур эса тоғаси номидаги клуб шуҳратига шуҳрат қўшаётир.

Навоий шаҳрида Шуҳрат Эшбўтаев хотира турнирини ўтказиш анъанага айланган. Аксарият ёшлар ушбу беллашувда қатнашишни орзу қилишади. Негаки, унда ҳар йили ўнлаб иқтидорлар кашф этилмоқда. Яна у маҳорат синовигина эмас, ҳар бир кўчада, маҳаллада Шуҳратнинг издошлари кўпайишига туртки бўлаётир.

Янги йил арафасида «Кимёгар» ўйингоҳида шундай турнир бўлиб ўтди. 1990-1991 йилларда туғилган болалар орасидан жамланган энг кучли 10 та жамоа бир ҳафта давомида ўзаро куч синашишди. Биринчи ўрин «Суғдиёна» клуби болалар ва ўсмирлар спорт мактаби жамоасига насиб этди.

Турнирда энг сара футболчилар аниқланиб, совринлар, эсдалик совғалари топширилди.

**Абдуваҳоб ПИРМАТОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*Божхона назоратчиси ҳужжатларни кўздан кечирар экан, иккита юк декларациясининг қалбакилигини сезиб қолди. "Ишбилармонлар" Ўзбекистондан Қирғизистонга 40 тонна йигирув ипини олиб чиқиб кетмоқчи бўлишган экан. Эркин Қурбонов зудлик билан бу ҳақда бошлиқларга хабар бериб, юк тўхтатилади. Сўнг белгиланган тартибда мусодара қилинади. Қонунбузарлар эса қилмишларига яраша жавобгарликка тортилдилар. Бу воқеа Эркин Қурбонов Андижон вилоятига хизмат сафарига борганида бўлган эди.*

## Ҳалол хизмат рағбати

Касбдошлари орасида аввало, тинмай изланиши, ўз хизмат вазифасига алоҳида масъулият билан ёндошиши туфайли ажралиб турадиган Эркинни ўзи ишлаётган бўлимга бошлиқ этиб тайинлашди. Кейинчалик Давлат божхона қўмитаси божхона статистикаси, таҳлил ва компьютерлаштириш бошқармаси компьютер ва программалаштириш бўлимида бош нозир бўлиб ишлади.

У божхона назоратини ташкил этиш бўлимига ўтган пайтларда чегара постлардан юкларни белгиланган жойларга етказишда баъзи муаммолар мавжуд эди. Яъни уларни яширин ўтказишга уринишлар авжига чиқиб келаётган эди. Ёш мутахассис бунинг олдини олиш мақсадида устозлари билан маслаҳатлашди. Натижада "Юкни жойига етказиш назорат китобчаси"ни жорий этди. Шундан кейин бу йўналишда тартиб ўрнатила бошланди. Назорат китобчаси рўйхатидан ўтмаган юклар албатта божхоначилар томонидан қидирилиб, топилиб керакли чоралар кўрилди. Энди-энди бу китобча ихчамлаштирилиб, юкларни ҳужжатлаштиришда ишлатилмоқда.

Тақдирни қаранги, ҳозирда Қурбонов қўмитанинг Божхона назоратини ташкил этиш бошқармасида катта инспектор бўлиб ишлаяпти. Биргина шу йилнинг 9 ойи мобайнида бўлим ходимларининг саъй-ҳаракати туфайли 994 та ишда қалбаки ҳужжатлар — декларациялар аниқланиб, шулардан 158 иш бўйича жиноий иш қўзғатилиб, қонунбузарлардан давлат фойдасига 6 миллион 140 минг сўм жарима ундирилди.

Касбдошларига ўз маслаҳати билан ёрдам беришдан чарчамайдиган фидокор ходим Эркин Қурбонов хизматлари муносиб баҳоланди. Юртимиз мустақиллигининг 11 йиллиги тўлиши муносабати билан ҳукуматимизнинг шарафли мукофоти — "Шуҳрат" медалига сазовор бўлди.

Бу ҳалол хизматнинг рағбати эди.

**Муҳаббат ХЎЖАМУРОДОВА.**

## Юлдузлар чарақлаган оқшом

Куни кеча Андижон шаҳридаги "Бўстон" маҳалласи аҳли, 6- мактаб ўқувчилари, муҳандислик-иқтисодиёт институти қошидаги академик-лицей талабалари унутилмас учрашувнинг гувоҳи бўлдилар. Бу ерга XIV Осиё ўйинлари ғолиблари — бокс бўйича жаҳон чемпиони Ў. Ҳайдаров, олимпиада совриндори А. Михайлов, моҳир эшкак эшувчи Г. Левина, каратэ бўйича Осиё чемпионати совриндори Д. Холматов, чарм қўлқоп устаси Б. Султонов ва уларнинг мураббийлари ташриф буюрдилар. Юлдузларнинг ҳаёти, уларнинг мақсад сари интилишлари, ютуқлари ва мағлубиятлари ҳақидаги ҳикоялари барчада катта таассурот қолдирди. Бундай учрашувлар табиийки, юртимиз келажаги бўлган ёшлар тарбиясида муҳим ўрин тутади.

**О. ШОДМОНАЛИЕВ.**

«Халқ сўзи»
«Народное слово»

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир
Аббосхон УСМОНОВ

**Таҳрир ҳайъати:**
Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»),
М. ЕГОРОВ
Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
М. МИРАЛИМОВ,
С. МУҲИДДИНОВ,
Ш. РИЗАЕВ,
М. САФАРОВ,
Р. ФАРҲОДИЙ,
И. ХУДОЁРОВ,
И. ШОҒУЛОМОВ,
О. ҚАИПБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»),
Ў. ХОШИМОВ.

**БЎЛИМЛАР:**
*Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34; 133-78-92*
*Иқтисодиёт — 136-36-65; 132-10-65*
*Маънавият ва маърифат — 136-35-60;*
*Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар — 136-29-89;*
*Фан, соғлиқни сақлаш, таълим ва туризм — 132-12-08;*
*Янгиликлар ва халқаро ҳаёт — 132-11-15;*
*Котибият — 133-10-28;*
*Эълонлар — 136-09-25.*

Хикмат

*Кўнгил, тилни рост тут ва хулқни гўзал,*
*Сенга дунё — давлат, келар ҳар маҳал.*

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАРНИ ЧЕТ ЭЛДА ТАЪЛИМ ОЛИШЛАРИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ «УМИД» ЖАМҒАРМАСИ**

***Тошкент шаҳридаги Халқаро Вестминстер университетини жиҳозлаш учун ҳисоблаш техникаси ва оргтехникаларни етказиб бериш ва инсталляция қилиш бўйича тендер эълон қилади.***

Халқаро тендер икки босқичли жараён асосида ўтказилади. Ўзбекистон Республикаси бозорида ўзини кўрсатган, ҳисоблаш техникалари ва оргтехникаларни ишлаб чиқарувчилар билан тўғридан-тўғри алоқалари бўлган компаниялар рус ва инглиз тилларидаги тендер ҳужжатларини сотиб олиш учун ёзма равишда мурожаат қилиб, қуйида кўрсатилган ҳисоб рақамларига қайтариб берилмайдиган 250 АҚШ доллари миқдоридаги суммани (Ўзбекистон Республикаси резидентлари учун эса пул ўтказиш вақтига Марказий банк белгилаган курс бўйича унинг эквивалентида миллий валюта — сўмни) ўтказишлари керак:

**АҚШ долларида**
х/р 22614840800600305003 Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки марказий амалиёт бўлими, МФО 00882, 207717 UZDSPEC01

**миллий валюта — сўмда**
х/р 20212000200600305001 Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки марказий амалиёт бўлими, МФО 00882, 207717 UZSURR01

Тендер иштирокчилари ўз таклифларини инструкцияларга асосан 2003 йил 12 февраль соат 16.00га қадар тақдим этишлари керак.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг иқтидорли ёшларни чет элда таълим олишларини қўллаб-қувватлаш «Умид» жамғармаси тендер иштирокчиларининг тендер ҳужжатларини тайёрлаш ва етказиб бериш билан боғлиқ бўлган харажатларини қоплаш мажбуриятини ўз зиммасига олмайди.

Тендер ҳужжатларини тендер ташкилотчиси — «HAMROH LOYIHA INVEST» лойиҳа-инжиниринг компаниясидан олиш мумкин.

**Манзил: Тошкент шаҳри, А.Хўжаев кўчаси, 1-уй.**
**Телефон: 144-33-54, факс: 138-69-59.**
**e-mail: hli_abu@ct.uz**

6719-1-53

**"UMID" FOUNDATION OF THE PRESIDENT OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN**

***to support the education of talented youth abroad invites sealed bids from eligible Bidders for the supply and installation of the computers and office equipment for the Westminster International University in Tashkent.***

International competitive bidding will be conducted in accordance with Single-Stage, One-Envelope bidding procedure and is open for all Bidders.

The Bidding Document, in the English or Russian language, may be purchased by interested Bidders, who needs to be well-known on the Uzbek market, have direct links to the computer and peripherals manufacturers, and authorised by the manufacturers of equipment to supply their equipment to Uzbekistan on the submission of a written application to the address below and upon payment of a non-refundable fee of $250 or its equivalent amount in the national currency Som and to be deposited to:

- **in US dollars-**
  **22 614 840 800 600 305 003 в ЦОО НБ ВЭД РУ, МФО 00882, 207717 UZDSPEC01**
- **in soms-**
  **20 212 000 200 600 305 001 в ЦОО НБ ВЭД РУ, МФО 00882, 207717 UZSURR01**

All Bids must be delivered in accordance with the Instructions to bidders on or before February 12, 2003 16.00.

UMID Foundation will not be responsible for any costs or expenses incurred by Bidders in connection with the preparation of delivery of bids.

The Bidding Documentation is presented by tender organizer - "HAMROH LOYIHA INVEST" project-engineering company.

**Address: 1, A. Khodjaev Street, Tashkent.**
**Tel: 144 33 54 Fax: 138 69 59**
**e-mail: hli_abu@ct.uz**

6719-2-53

## Саҳнада — Чўлпон сиймоси

Бобур номидаги Андижон вилоят мусиқали драма театрида янги спектакль премьераси бўлиб ўтди. Хизмат кўрсатган маданият ходими Жавлон Тошхўжаев раҳбарлигидаги ижодий жамоа таниқли шоир Олимжон Ҳолдорнинг "Ой тутилган кечалар" асарини саҳналаштирди.

Пьесада икки ёш — Чўлпон ва Мавжуда муҳаббати тарихи орқали ўтган асрнинг 20-30-йилларида мамлакатимизда рўй берган фожеали воқеалар тасвирланади. Бир-биридан айрилган ошиқлар тақдирида жамият ҳаётидаги турли воқеаларнинг хилма-хиллиги ва қарама-қаршилиги акс этган. Ушбу асарда маърифатпарвар жадидлар орзу қилган мамлакат озодлиги мавзусининг бадиий талқини ифодаланади.

Бу Чўлпонга бағишланган тўртинчи асардир.

Спектаклнинг ўзига хослиги шундаки, унда видео лавҳалардан фойдаланилган. Бундай уйғунлик саҳна имкониятларини анча кенгайтирган.

**С. ШУКУРОВ,**
**ЎзА мухбири.**

Шифокор огоҳлантиради

*Грипп —вирусли инфекциялар ичида оғир кечувчи ўта юқумли касалликдир. Уни вируслар келтириб чиқаради. Вирусларнинг А, В, С турлари мавжуд бўлиб, улар бир-биридан хусусиятларига кўра фарқ қилади. Шунингдек, улар ташқи муҳитга чидамсиз. Қиздирилганда, қайнатилганда тезда нобуд бўлади.*

## Ўзи ҳам, асорати ҳам хавфли

### Яна грипп ҳақида

Бу хасталик йилнинг ҳар қандай фаслида ҳам учраши мумкин. Аммо куз ва қишда кўпроқ тарқалади. Бундай мавсумийликнинг сабабларидан бири совуқда одамлар ўз вақтларини кўпинча ёпиқ хоналарда, бинолар ичида ўтказишларидир.

Грипп ҳар қандай ёшдаги одамларга, айниқса ёш болаларга тез юқади. Буни хасталик билан оғриганлар яхши билишади. Одатда грипп тана ҳароратининг бирдан кўтарилиши билан бошланади. Беморнинг аҳволи ёмонлашади. Айниқса ёш болалар инжиқ, йиғлоқи бўлиб қолади. Мускуллари, бўғимлари, бош оғришидан шикоят қилади. Баъзида бемор қайд қилиши, алахлаши, талвасага тушиши мумкин. Бош оғриғи кучайиб, кўз атрофларигача тарқалади ва ёруғликдан қўрқиш аломатлари кузатилади.

Касалликнинг кейинги кунлари юқори нафас йўллари шиллиқ пардасида зарарланиш аломатлари пайдо бўлади. Бурун орқали нафас олиш қийинлашади. Бемор тез-тез қуруқ йўталади.

Хасталикнинг оғир шаклларида болаларда сохта бўғма авж олади, товуш бойламлари ва юқори нафас йўллари шиллиқ пардаси яллиғланади, нафас қисиши кўпаяди.

Бемор кишининг ётиб даволанмаслиги натижасида касаллигини бошқаларга юқтириши мумкин. Шунингдек, грипп бемор фойдаланган турли буюмлар орқали ҳам ўтади.



Грипп билан касалланган кишилар тезда шифокорга мурожаат қилиши, ишга, ўқишга, кўчага чиқмаслиги, шифокор маслаҳатига қатъий амал қилган ҳолда уйда ётиши керак.

Хасталикдан сақланишнинг энг ишончли йўли — вакционо-профилактика. Бунда айниқса, хоналарга тез-тез исириқ дудлатиш, унинг қайнатмасига оғиз, томоқни чайқаб туриш катта фойда беради.

Грипп профилактикасида беморларни дарҳол ажратиш ва касалликнинг енгил ёки ўртача шакллари билан оғриган кишиларни уй шароитида даволашни ташкил этишнинг аҳамияти катта. Соғлом кишиларга касаллик кўпайган пайтда бурун катакларига оксолин мазини суртиш тавсия қилинади. Бемор ётган хонани шамоллатиб туриш, хўл дезинфекция тадбирларини амалга ошириш зарур. Бу кўрсатмаларга амал қилинганда ҳар биримиз аввало ўзимизни, қолаверса оила аъзоларимизни гриппдан ҳимоя қилишимиз, шунингдек касаллик эпидемиясининг олдини олишга улушимизни қўшишимиз мумкин.

**Раҳима ЧЎЛПОНОВА,**
**Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Саломатлик институти оммавий ахборот бўлими мудири.**

**Ҳамма юридик ва жисмоний шахслар диққатига!**

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 10 октябрь 342-сонли қарорига асосан**

**«ЎЗСТАНДАРТ» АГЕНТЛИГИ РЕСПУБЛИКА МЕТРОЛОГИЯ ХИЗМАТЛАРИ КЎРСАТИШ МАРКАЗИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.**

**Марказ 2002 йил 1 декабрдан иш фаолиятини бошлаган бўлиб, 2003 йилда ўлчаш воситаларини мажбурий давлат қиёслашидан ўтказиш учун шартномалар тузади.**

**Шартномалар тузиб, жадвалларини тасдиқлаш муддати 2003 йил 1 февралгача.**

**Маълумот учун телефонлар: 46-38-58, 49-35-07.**

**ЗАВОДНИНГ РАСМИЙ ДИСТРИБЬЮТЕРИ ТОШКЕНТДАГИ ОМБОРДАН**
**БЕНЗИН ҚУЙИШ КОЛОНКАЛАРИ**
*(НАРА 4216, 2816)*
**ва ЭҲТИЁТ ҚИСМЛАРНИ** таклиф этади.
НАРА ТМ
*Завод мутахассислари томонидан ўрнатиб ва созлаб берилади.*
Тўлов шакли турлича.
**Телефонлар: 144-28-44, 144-28-04, факс: 144-28-28**

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди жамоаси Олий хўжалик суди Қонунларни мужассамлаштириш ва ҳуқуқ тарғиботи бўлими бошлиғи Муҳаммаджон Исомовга волидаи муҳтарамаси
**Жаҳон ая РАСУЛОВАнинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Маиший хизмат маркази» ОАЖ жамоаси «Техмаишийлойиҳа» АЖ директори Улуғбек Тошпўлатовга падари бузруквори
**Қосим ТОШПЎЛАТОВнинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Телерадиокомпанияси жамоаси «Маърифат» студиясининг бўлим бошлиғи С. Одиловга волидаи муҳтарамаси
**ҲУРИ аянинг**
вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги «Дипхорижхизмат» бошқармаси жамоаси бошқарма ходими Дилфуза Абдуқаюмовага волидаси
**ЛОБАР аянинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Й. Охунбобоев номли республика Медицина коллежи жамоаси коллеж директори, тиббиёт фанлари номзоди Турсунхон Умаровага падари бузруквори
**Юсупхўжа ота РУСТАМОВнинг**
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент Молия институти ректорати, профессор-ўқитувчилар жамоаси ўқув бўлими муовини, доцент Шариф Тожиевга акаси
**Хожибой ТОЖИЕВнинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 71,
33553 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ.
Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А—2.

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ҳамда операторлар Ж. ТОҒАЕВ ва А. БОЛТАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — А. ОРИПОВ.
Навбатчи муҳаррир — Г. ЙЎЛДОШЕВА.
Навбатчи — С. ДОНИЁРОВ.
Мусаҳҳиҳ — И. ТУРСУНОВА.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
[t] — тижорат материали.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

*Босишга топшириш вақти — 21.00.*
*Топширилди — 22.20*
1 2 3 4 5 6